



O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-YIL 4-YANVARDAN
CHIQA BOSHLAGAN

АДАБИЙ-БАДИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЖТИМОЙ ГАЗЕТА

№ 38 (4540)
2019 ЙИЛ 13 СЕНТЯБРЬ

Анжуман шукуҳи

INTERNATIONAL FESTIVAL
OF HANDCRAFTERS
KOKAND - 2019

Қадимий ва навқирон
Қўқон шаҳри бугун
Ўзбекистонликлар ҳамда
бутун дунёдан юртимизга
ташриф буюрган
қўлигул хунарманд аҳли
билан гавжум. Жаҳон
хунармандлари кенгаши
томонидан "Жаҳон
хунармандлари шаҳри"
мақоми берилган Хўқанди
латиф айни кунларда
номига яраша янада
кўркамлик касб этган.
Халқаро хунармандчилик
фестивали муносабати
билан ўн иккита тарихий
обидани таъмирлаш
ишлари якунланди.
Бундан ташқари, Қўқон
миллий хунармандлик
усталарининг йигирмадан
ортиқ уй-устахоналари,
тўртта дам олиш маскани
тадбир иштирокчилари ва
меҳмонларни

5 ўз барига чорлади.

ҲАР ҲУНАРАДАН УНАР ҲОСИЛ

Жаҳон хунармандлари кенгаши (World Craft Council) 1964 йили Бельгияда нодавлат нотижорат ташкилот сифатида тузилган. Ташкилот дунё халқларининг маданий меросини асраш ва ривожлантириш, хунармандчилик ташкилотлари ва уюшмаларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Мазкур нуфузли ташкилот яқинда Қўқон шаҳрини "Жаҳон хунармандлари шаҳарлари" (World Craft City) рўйхатига киритди.

Ушбу мақом 2014 йили таъсис этилган бўлиб, шу кунгача унга турли мамлакатлардан 30та шаҳар сазовор бўлган. Қўқон шаҳри собиқ МДХ мамлакатлари ҳудудидан биринчи бўлиб ушбу рўйхатга кирди. Зеро, халқаро хунармандчилик фестивали (World Handcraft Festival) бўлиб ўтаётган шаҳарга бундай мақом берилиши бежиз эмас. Қадимдан бу ерда илм-фан, маданият, маҳаллий саноат, хунармандчилик, меъморлик ва тижорат соҳалари жадал ривожланган. Буни шаҳар маҳаллаларининг номланишидан ҳам билиш мумкин: Бахмалбоф (бахмал тўқувчи), Деғрезлик (қозон қувувчи), Пўстиндўз (пўстин тикувчи), Китебдор, Қўрхона (қурол-яроғ омбори, хазина), Панжарасоз ва ҳоказо.

Ўтмишда 32 хил касб-хунар ривожланган жой шаҳар мақомига лойиқ қўрилган. Қўқон хонлиги архиви ҳужжатларида 41та касб-хунар номлари кайд этилган. Қадимий Хўқанд шаҳри XVIII асрнинг биринчи чорағида хунармандчилик, халқ амалий санъати юксак тараққий этгани учун ҳам тарихан киска муддат ичида мамлакат пойтахти даражасига кўтарилган. Шоир Дилшод Барнонинг "Сабот ул-башар маъна тарихи муҳожирон" (Инсон саботи ва муҳожирлар тарихи) номили асарида ўн иккита дарвозали Хўқанд шаҳрида 440та маҳалла бўлиб, уларнинг ҳар бирида хунарманд, шоир ва санъаткорлар кўпчилиги кайд этилган.

5

Кевин МУРРЕЙ (Австралия),
Осиё-Тинч океани ҳудудидagi анъанавий
хунармандлик маҳсулотлари

Онлайн-энциклопедияси бош муҳаррири:

— Мазкур энциклопедия ўз ичига элликта мамлакатдан бир юз йигирма нафар ёзувчининг 445та мақоласини ўз ичига олган. Бу ерга келганимдан буён фақат ҳайратдаман. Хозиргина айтилган — айнан Қўқонда Жаҳон халқ амалий санъати музейини ташкил этиш ҳақидаги гоя менга ниҳоятда маъқул бўлди. Ниҳоятда ажойиб фикр! Чунки биз ҳаммамиз бу ерда хунармандчилик юксак даражада ривожланганини биламиз. Жаҳон ҳамжамияти ҳам бундан хабардор бўлиши, тажриба алмашиш жуда муҳим. Бизда ҳам худди кўринишдаги каби хунарлардан бири — металлдан маҳсулотлар тайёрлаш жуда ривожланган. Австралиядagi Ўзбек ва Татар маркалари фаолиятини Ўзбекистонда ҳам хабардор эканликларни мени ҳайрон қолдирди. Сизларда ўтадиган анъанавий "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида қатнашган хонанда Зулфия бу ҳақда сўзлаб берганди. Бу йил эса Регистонда Фиджи оролларида келган дуэт қатнашди. Қўқондан қайтгач, бу юрт ва ажойиб фестиваль ҳақида Австралияда кўп сўзлаб беришимга тўғри келади.

Ўзбекистон халқига ва фестиваль меҳмонларига тилагим шу: ер юзидида ҳаммамиз бир бутунмиз. Турли санъат форумлари, айниқса, халқ хунармандлиги бизни янада яқинлаштиради. Ким бўлишидан, ёшидан, миллатидан, динидан қатъи назар, инсон қўли билан яратилган муъжиза барчага бирдек қувонч келтиради. Биз ериқлар — ягона оиламиз ва бизнинг ҳаётимизни минг-минглаб йилларга узайтирадиган хунаримиз бор.



Истеъдод худди чўғни
эсламади: унга муҳим
аратиб, қувват берсанғиз
ёлқилланади — зулханга
айланади. Ўзиборсиз
қолдирилса — сўнади. Бузун
мамлакатимизда атоқли
адиблар номи остида ташкил
этилган ижод мактабларини
шу маънода қамта адабий
ўчоқларга ўхшатсак бўлади —
бу мактабларда кўзида учқун,
кўнглида чўғи бор ўғил-
қизларимиз ўйғилган.

Нурли йўл

Наманганда — Исхонхон тўра Ибрат, Жиззахда — Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Нукусда — Ибройим Юсупов, Марғилонда — Эркин Воҳидов, Қаршида — Абдулла Орипов, Андижон шаҳрида Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактаблари фаолият кўрсатиб келган бўлса, 2019/2020 ўқув йилидан эътиборан Хивада — Оғахий, Тошкентда — Абдулла Қодирий, Гулистон шаҳрида Халима Худойбердиева номидаги ижод мактаблари ташкил этилиб, уларда таълим олаётган ўқувчилар сони 1650 нафардан ошди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ижод мактаблари фаолиятини самарали йўлга қўйиш борасида бир қатор ишларни амалга ошириб келяпти. Жумладан, таниқли ёзувчи ва шоирлар томонидан маҳорат сабоқлари уюштирилмоқда, мактаб кутубхоналарига энг сара бадиий адабиётлар тухфа қилинмоқда, истеъдодли ўқувчилар

турли семинар ва танловларга жалб этилапти, ижодкор ўқувчиларнинг машқлари адабий нашрларда чоп қилинмоқда ва бошқа зарурий чоралар кўриломоқда.

Аммо ижод мактаблари миллий таълим тизимида ва умуман дунё таърибисидида янги ҳолиса бўлгани учун иш жараёнида халқ қилиниши лозим бўлган баъзи масалалар ҳам кўзга ташланиб қолди. Жумладан, шу йилнинг 14 июнь кунли Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Хайриддин Султонов раҳбарлигида ўтказилган "Ижод мактаблари: тажриба, таҳлил, истиқбол" номили семинарда турли вазирлик, уюшма, ижод мактаблари вакиллари бу борадаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиб, ижод мактаблари фаолиятини янада самарали ташкил этиш бўйича ўз таклифларини илгари сурган эди.

Президентимизнинг шу ҳафта бошида — 9 сентябрь кунли эълон қилинган "Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигини ташкил этиш тўғрисида"ги фармони ва унга мувофиқ қабул қилинган қарори, айтиш мумкинки, таълим тизимида тарихий воқеалик бўлди.

Фармонда халқимизнинг энг қатта бойлиги бўлган истеъдодли ўғил-қизларимизнинг таълим-тарбияси учун алоҳида шарт-шароит яратиш, уларнинг ўсиб-ўзлашиб жамиятнинг олд, илгор савфаларига чиқишлари учун, шойрона қилиб айтганда, нурли йўл ҳозирлаш, бу эзгу мақсадни амалга ошириш учун эса кенг вақолатларга эга махсус агентлик ташкил этиш кўзда тутилган.

Мазкур фармон кенг қамровли бўлгани учун биз фақат унинг 8-банди бўйича айрим мулоҳазаларимизни баён қилмоқчимиз. Негаки, айнан шу банд биз, ижод аҳлини, айниқса, хурсанд қилди. Чунки ушбу бандда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг тегишли вазирликлар ва мутахассислар билан ҳамкорликда ишлаб чиққан қатор таклифлари маъқулланган. Жумладан, фармонга кўра, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб ижод мактабларида ҳар бир синфдаги ўқувчилар сони 20 нафарни ташкил қилади. Хўш, нима

учун синфдаги ўқувчилар сони 30 нафардан 20 нафарга тушириляпти? Сабаби, бу мактабларда алоҳида қобилиятга эга бўлган ўқувчилар ўқийди ва 45 дақиқалик дарс давомида ўқитувчи ҳар бир ўқувчини қамраб олиши шарт. Қолаверса, сонга эмас, сифатга эътибор берилган жойда натижа самаралироқ бўлади.

Фармонда ижод мактабларининг 7-синфларига қабул қилиш ижодий танловлар, тест ва бошқа синовлар асосида амалга оширилиши белгиланган бўлиб, бу ерда иккита жиҳатга эътибор беришимиз лозим. Биринчидан, шу пайтгача ижод мактабларига ўқувчилар 5-синфдан қабул қилинган бўлса, энди 7-синфдан қабул қилинади. Бойси, мурғак чоғида боланинг қизиқишлари муваққат бўлади: у бутун бир қобилиятини кўрсатса, эртага бошқа қиррасини намойиш қилиши мумкин, шунинг учун унинг "суяги қотиб", чинакам истеъдоди қўрингандан кейингина зарур соҳага йўналтирилса, тўғри бўлади. Қолаверса, ижодий қайфиятга эга болалар ўта таъсирчан бўлади — оила муҳитидан эрта ажратиб олиниши уларнинг руҳиятига кескин таъсир кўрсатади.

2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI PREZIDENT, IJOD VA IXTISOSLASHTIRILGAN MAKTABLARNI RIVOJLANTIRISH AGENTLIGINI TASHKIL ETISH TUG'RSIDA

Ўтган давр мобайнида узлуксиз таълим тизimini янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий талабларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, иқтидорли ёшлар билан ишлашнинг ягона ва самарали тизimini яратиш, ёш авлоднинг истеъдоди ва салоҳиятини рўёбга чиқариш учун бундай ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, илгор хорижий тажрибалар талаблари асосида дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларни, шу жумладан, электрон шаклда нашр этиш, шунингдек, халқаро майдонда мамлакатимиз манфаатларини профессионал ва юқори даражада муносиб ифода эта оладиган, талаб юқори бўлган мутахассис-

ларни тайёрлашни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш зарур бўлмоқда.

Иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш, ўқитиш ва тарбиялаш, ёш истеъдодларини янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларни тайёрлаш ва нашр этишдаги муаммоларни бартараф қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, шунингдек, умумтаълим муассасалари фаолиятини бошқариш ва ташкил этишнинг махсус тизimini яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этилсин.

2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI PREZIDENT, IJOD VA IXTISOSLASHTIRILGAN MAKTABLARNI RIVOJLANTIRISH AGENTLIGI FAOLIYATINI TASHKIL ETISH CHORA-TADBIRLARI TUG'RSIDA

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-5815-сон Фармонида мувофиқ:

1. Қўйилди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирил-

ган мактабларни ривожлантириш агентлиги бошқарув ҳодимларининг чекланган сони 57 нафардан иборат марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир тақдирномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланган ва лавозимдан озод этилган директор раҳбарлик қилади;

2

МУНОСАБАТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚУЗУРИДАГИ ПРЕЗИДЕНТ, ИЖОД ВА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-саҳифада

2. Қуйдагилар Агентликнинг идоровий бўйсунувига ўтказилсин:

Президент мактаблари;
тасдиқланган штат жадвалини ва уларни молиялаштиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий органлари ҳузуридаги Абдулла Орипов, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Мухаммад Юсуф, Ибройим Юсупов, Эркин Воҳидов, Мухаммад Ризо Эрн-и-Эзбек ўғли Отаҳий, Ҳалима Худойбердиева ва Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Исҳоқхон Иброт номидаги ижод мактаби (кейинги ўринларда – ижод мактаблари);

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати ва Абу Али Ибн Сино номидаги Ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернати (кейинги ўринларда – ихтисослаштирилган мактаблар).

3. Қуйдагилар Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда ёшларни аниқлаш, танлаш, ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни самарали амалга ошириш;

давлат таълим стандартларига мувофиқ Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини ягона шаклда мувофиқлаштириш ва услубий раҳбарликни амалга ошириш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларнинг ўқув-тарбиявий жараёнига илгор таълим шакллари, педагогик технологиялар ва ахборот англичларини жорий этиш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчиларида ватанпарварлик ва Ватанга муҳаббат, бағрикенглик туйғуларини, қонуниларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга нисбатан ҳурматни шакллантириш, уларнинг маънавий, ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний ривожланиши даражасини янада ошириш;

халқаро ташкилотлар ва экспертларни жалб қилган ҳолда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар педагогик кадрларини танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илгор ва шаффоф ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва ўйғунлаштириш бўйича тақлифлар тайёрлаш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ушбу муассасалардаги бино ва иншоотлардан фойдаланиш бўйича ишларни мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Агентлик республика давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

Агентликнинг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари барча давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар Агентлик фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар учун ўрнатиладиган давлат таълим стандартлари Агентлик томонидан тасдиқланади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги қошидаги “O‘qituvchi” илмий-услубий наприёт маркази (кейинги ўринларда – Марказ) Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар учун дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларни тайёрлаш ва нашр этиш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириши;

Марказ Агентлик буюртмаси асосида давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмаларнинг, шу жумладан, электрон кўринишда тайёрланиши ва нашр этилишини таъминлайди ва улар кейинчалик Агентлик томонидан тасдиқланади.

5. Агентлик иш самарадорлигининг қуйдаги энг муҳим кўрсаткичлари белгилансин:

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларнинг ўқувчиларида, шу жумладан, ватанпарварлик, Ватанга бекиёс муҳаббат ва содиқлик туйғуларини, миллий ва умуминсоний қадриятларга нисбатан ҳурматни чуқур ҳурматни шакллантиришга йўналтирилган таълим-тарбия жараёни сифатини ошириш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар биттирувчиларининг давлат ва чет тилларини мукаммал билиши;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларга малакали ва тажрибали, чуқур билимларга эга, давлат ва чет тилларини, замонавий педагогик технологиялари ва ўқитишнинг инновацион услубларини биладиган педагогларнинг жалб қилини;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар биттирувчиларининг олий таълим муассасаларида таълим олишни давом эттиришлари учун, шу жумладан, ихтисослаштирилган олий таълим тизимининг фаолият юритиши орқали керакли шартларни яратиш;

Президент мактаблари биттирувчиларининг қамда 20 фойзи халқаро тан олинган ташкилотлар рейтингда олий таълим муассасалари орасида дастлабки 1 000 та поғонани эгаллаган етакчи хорижий олий таълим муассасаларига ўқишга кириши;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар биттирувчиларига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, республика аҳамиятига эга бошқа ташкилотлар, дипломатик ваколатхоналар, йўриқ-қўғиш ва бир-лашмаларга ишга жойлаштиришга қўмаклашиш;

Ўқитишнинг инновацион шакл ва услубларини жорий қилган ҳолда талаб юқори бўлган таълим йўналишлари бўйича ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар сонини кўпайтириш;

барча Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда миллий ва жаҳон адабиёти, мусика, кино, хайкалтарошлик, амалий санъат ва бошқа ижодий йўналишлардаги асарларга эга бўлган замонавий кутубхоналарини ишлаши;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда ўқув-услубий жараёни автоматлаштиришни таъминлаш ва уларни юқори тезликдаги Интернет тармоғига улаш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ўқув жараёнига таълимнинг илгор шакллари, педагогик технологиялар ва ахборот англичларини жорий этиш мақсадида хорижий таълим ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни замонавий спорт зал, инвентарь, ускуна ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш.

Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу бандда назарда тутилган мақсадли кўрсаткичларини ўз вақтида бажариш ва уларга эришиш бўйича чоралар кўрсин.

6. Агентлик ҳузурида Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин ва уни шакллантириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин: жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг хомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг грантлари ва техник қўмақ кўрсатиш маблағлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар;

қонун ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа тушумлар. Бунда мазкур Фармоннинг 2-бандида назарда тутилган Агентлик бўйсунувига ўтказиладиган ташкилотларни таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағлар ажратилади.

Белгилансинки, Жамғарма маблағлари қуйидагиларга йўналтирилади:

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шу жумладан, зарур ҳолларда ўқув устаноналари ва лабораториялари, спорт заллари, майдончалар ва бошқа инфратузилма объектларини ташкил этган ҳолда ўқув корпусларини кенгайтириш ишларини молиялаштириш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда ва тасдиқланган меъёrlардан келиб чиқиб, энг янги ўқув-лаборатория, илмий, ишлаб чиқариш ва спорт жиҳозлари, мусика асбоблари, компьютер техникаси, мебель ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш) ишларини молиялаштириш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда ўқув-услубий раҳбарликни таъминлаш, таълим жараёнини юритиш бўйича қизмат кўрсатувчи ихтисослашган хорижий ташкилотлар хизматига ҳақ тўлаш;

Агентликка юқори малакали мутахассисларни, шу жумладан, хорижий экспертларни ва чет элда истикомат қилаётган ватандошларимизни фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида ишлаш учун жалб қилиш;

Агентлик фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бошқа чора-тадбирлар.

7. Белгилансинки, Агентлик Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини молиялаштириш учун

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларининг тасарруф этувчиси ҳисобланади.

8. Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб қуйидагиларни назарда тутувчи тартибни ўрнатиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин:

ижод мактабларида ҳар бир синфдаги ўқувчилар сони 20 нафарни ташкил қилиди, 7-синфларга қабул қилиш эса ижодий танловлар, тест ва бошқа синовлар асосида амалга оширилади; ижод мактабларида ўқувчилар сонидан қатъий назар, 1 штат бирлигига кутубхоначи лавозими киритилади;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари мунтазам равишда ижод мактабларида ўқувчиларнинг ижодий истеъдодини ривожлантиришга қаратилган машғулотлар олиб боради;

ижод мактабларида ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланаётган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари меҳнатига соатбай ҳақ тўлашга мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига бир ой муддатда ижод мактабларини миллий ва жаҳон адабиёти, мусика, кино, хайкалтарошлик, амалий санъат ва бошқа ижодий йўналишлардаги 100 та энг яхши асарлар (бестселлерлар) билан таъминлаш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 январга қадар ижод мактабларининг кутубхоналарини Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ахборот-ресурс базасига улашини таъминласин.

10. Тошкент вилояти ҳокимлиги ва “Чорвок” эркин туристик зонаси дирекцияси” ДУК Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчилари учун эзги спорт-соғломлаштириш оромгоҳи, шунингдек, Агентлик ва Марказ ходимлари учун дам олиш зонаси қурилиши учун қўлай табиий шароитларга эга ер участкасини ажратиб бўйича тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Агентлик фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентини қарори лойиҳасини киритсин.

Халқ таълими вазирлиги икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳақимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 9 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚУЗУРИДАГИ ПРЕЗИДЕНТ, ИЖОД ВА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-саҳифада

Агентлик директори унинг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланган ва лавозимидан озод этиладиган 3 нафар ўринбосарга, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосарга эга;

Агентлик директори меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт таъминоти шартларига кўра вазирга, унинг биринчи ўринбосари – вазирнинг биринчи ўринбосарига, ўринбосарлари – тегишли равишда вазир ўринбосарларига тенглаштирилади;

Агентликнинг штатлари сони Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳудудий органларидаги 57 та ишлаб чиқариш ходимлари штат бирлигини оптималлаштириш ҳисобидан жамланади.

3. Агентлик директори: зарур ҳолларда, Агентлик тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий штатлари сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Агентлик ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Агентлик ходимларининг қўшимча штат бирликлари киритиш;

истисно тарикасида, идоровий бўйсунувдаги ташкилотларни ташкил этиш ва уларни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Агентлик ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, илмий ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотларнинг юқори малакали мутахассисларини, шунингдек, хорижий экспертларни шартнома асосида ишга жалб қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларининг, шунингдек, улар ётоқхоналарининг штат жадвалини тасдиқлаш ҳуқуқи берилсин.

Агентлик директори бир ой муддатда Агентликка юклатилган вазифалар ижросини самарали таъминлаш учун уни зарур билим ва амалий

қўникмаларга эга юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида

2019 йилда Агентлик таъминоти учун маблағларини ажратсин, 2020 йилдан бошлаб эса ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутсин;

4 та хизмат автотранспорт воситасини сақлаш учун лимит белгиласин, шунингдек, Агентликка уларни харид қилиш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин;

Агентликка асосланган ҳисоб-китобларга кўра аниқ харажатлардан келиб чиққан ҳолда моддий-техник базани шакллантириш учун зарур ускуналарни харид қилиш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва маъмурий биноларни таъмирлашга 2019 йилда 3 миллиард сўм, 2020 йилда эса 7 миллиард сўмгача маблағлар ажратилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Агентликка зарур алоқа воситалари, шу

жумладан, ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Агентликнинг жойлаштирилишини таъминласин;

Агентлик тўғрисидаги низомни тасдиқласин; Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, энг янги ўқув-лаборатория, илмий, ишлаб чиқариш ва спорт ускуналари, анжомлар, инвентарь ва бошқа зарур воситалар билан жиҳозлаш дастурини тасдиқласин;

2020-2025 йилларда ижод мактаблари фаолиятини такомиллаштириш концепциясини кўриб чиқиш учун киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Агентлик билан биргаликда ҳар йили:

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчиларининг турли фанлардан халқаро олимпиадаларда иштирок этишини;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчиларининг хорижий маданий-маърифий сафарларини;

дан баҳраманд авлодни қамолга етказишди. Шу боис ушбу мактабларда таълим олаётган ўқувчиларнинг дарсдан кейинги вақтини мазмунли ташкил этиш масаласига фармонда алоҳида эътибор қаратилган. Унда қайд этилганидек, ижод мактаблари ўқувчиларини миллий ва жаҳон адабиёти, мусика, кино, хайкалтарошлик, амалий санъат ва бошқа ижодий йўналишлардаги 100 та энг яхши асарнинг мазмун-моҳияти билан яқиндан таништириб бориш, шубҳасиз, бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Атоқли адиблар номидаги ижод мактаблари фаолияти барча адабиёт муҳлисига, табиийки, энг аввало, биз, ижодкорларга алоҳида ғурур-ифтихор бағишлайди. Ҳар гал бу мактабларга борарканмиз, ўзимизни

устозлар руҳи билан рўбарў бўлгандай ҳис қиламиз; кўзи қақнаб турган фарзандларимизнинг шеърларини тинглаб, ижоди билан танишарканмиз, зиммамиздаги масъулият ҳиссини теранроқ туяемиз. Шу боис Президентимизнинг ушбу мактаблар фаолиятига ҳам дахлдор бўлган фармон ва қарори барчамизни бирдай қувонтирди. Шубҳасиз, ушбу муҳим ҳужжатлар Ватанимизга содиқ, қалби ва шуури миллий ва умуминсоний фазилатларга тўйинган, билимли ва истеъдодли ўғил-қизларимизнинг порлок келажакига пойдевор вазифасини ўтайди.

Нодир ЖОНУЗОҚ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари

Бошланиши 1-саҳифада

Иккинчи жиҳат – бу мактабларга қабул қилиш жараёнида ижодий танловнинг бирламчи мезон экани фармонда аниқ қайд этилган. Гап шундаки, шу пайтгача ижод мактабларида қабулни ташкил этиш бўйича хос ҳужжат бўлмагани учун, мавжуд тартибга кўра, ўқувчилар фақат тест синовини орқали қабул қилиниши белгиланган эди. Ҳолбуки, тест синовлари билан ўқувчининг бадиий қобилиятини баҳолаш имконсиз, шунинг учун ҳам, ижодий йўналишдаги олий ўқув юртларига қабул қилиш жараёнида тест синовлари ўрнига ижодий имтиҳонлар жорий этилган эди.

Фармонга мувофиқ, ижод мактабларида ўқувчилар сонидан қатъи назар, 1 штат бирлигига кутубхо-

начи лавозими киритилапти. Бугун юртимизда китобхонликка кенг эътибор берилётган бир пайтда бу янгилик ҳам жуда ўринли бўлди. Негаки, ўқувчилар сони нисбатан оз бўлгани учун ижод мактабларида кутубхоначига 0,5 штат бирлиги ажратилган, бу эса, табиийки, иш унумдорлигига салбий таъсир кўрсатаётган эди. Бутун ҳаётини китоб билан қамбарчас боғлашни ният қилган ёшларга хизмат кўрсатувчи кутубхоначининг фаолияти тўлақонли бўлиши – адолат талаби, албатта.

Яна бир муҳим янгилик – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларининг мунтазам равишда ижод мактабларида машғулотлар олиб бориши фармонда расман қайд этилиб, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шакли аниқ белгилаб берилди. Шу пайт-

Нурли йўл

гача Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Халқ таълими вазирлиги ўртасида тасдиқланган ҳужжатларга биноан, уюшма аъзолари ижод мактабларида маҳорат машғулотлари ўтиб келаятган, турли тўғарақлар фаолиятида иштирок этаётган, адабий кечалар уюштираётган бўлса-да, ҳуқуқий-молиявий асос бўлмагани учун бевосита педагогик билан шуғулланаётган адибларимиз сони кўп эмас эди. Эндликда ушбу фаолият ҳар томонлама қўллаб-қувватланяпти: ижод

мактабларида ўқитувчилик қилувчи Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларига, худди ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларига бўлгани каби, соатбай ҳақ тўлиниши фармонда белгиланган.

Ижод мактабларини ташкил этишдан кўзланган мақсад – фақат шоир-ёзувчиларни тарбиялаш эмас, шу билан бирга, ҳар томонлама етук, интеллектуал салоҳияти ва дунёқараши кенг, миллий ва дунёвий маданият хазинасидаги бебаҳо жавоҳирлар-

Назира МАТЁҚУБОВА

СҲИСАНГ, ШУНДАЙ
ЮРТИНИ СҲИЎзбек ила
қорақалпоғим

Биринг шулам, биринг мағим,
Биринг эту, биринг тирноғим.
Томир туташ тақдири азал,
Ўзбек ила қорақалпоғим.

Бир ён Тошкент – оламга фусун,
Бир ён Нукус – очади хусун,
Барчасида тинчлигинг устун,
Ўзбек ила қорақалпоғим.

Суйсанг шундай юрти суй, иним,
Ватан тиланмайди, туй, иним,
Биринг беку биринг бий иним,
Ўзбек ила қорақалпоғим.

Атласлари лов ёнган синглим,
Кўк кўйлақда дил олган синглим,
Орангизда яйрайди кўнглим,
Ўзбек ила қорақалпоғим.

О, Оролин, саҳро кўнглим,
Дўстларидан мадад тоганим,
Қўлни кўлга бериб чопганим,
Ўзбек ила қорақалпоғим.

Биринг шулам, биринг мағим,
Биринг эту, биринг тирноғим.
Томири бир тақдири азал,
Ўзбек ила қорақалпоғим.

Англаш

Устоз Ибройим Юсуповга

Ненидир англаймиз, неларнидир йўк,
Гоҳида, гафлатда ўтар хар кунинг.
Ибройим Юсуповни англамоқ учун
Элликка киришим шартмиди менинг!

Шукрки, кўрганман, кўришганман ҳам
Кўнглимда беадок турур ўнганлар.
Шундай бир инсонлар бўлар, уларнинг
Номи айтилганда юрти анганлар!

Топганинг – осори-атиқанг билан
Қанчалар мезийга киргансан, балки.
Олис қорақалпоқ мезийсида жим
Хайратларга тўлиб тургансан, балки.

Балки, олимдирсан, балки фузало,
Ким бўлсанг ҳам сенга айтай бир хақни:
Ибройим Юсуповни англамай туриб,
Англаш мумкин эмас қорақалпоқни.

Қоратос

Майса, кизгалдоққа бурканмайди у,
Қорамтир тўнини ташлаб елгага
Ўтирар асрлар оша тиз букиб
Ва таъзим қилади она халқига.

Булбуллар сагига чулганмайди у,
Тўрғайлар айтади эртакларини.
Кенгликлар сатҳида очар бағрин кенг
Кимлар босиб ўтмас этакларини.

Кўкка туташмоқни ҳавас қилмайди,
Осмонга тирамас қоя-шоҳини.
Лек кўтариб турар неча асрки
Орол каби буюқ денгиз оҳини.

Гоҳ паноҳ, гоҳ жангтоҳ бўлган мардларга,
Бу қанча бухролар кўрган бир элки,
Қоялар тарихнинг суронларида
Тошлар ютавериби юксалган, балки.

Балки, миллион йиллар, балки ортиқроқ,
Шу чексиз воҳага у метин тиргақ.
Аммо ҳокисорлик, камтаринликни
Бизнинг Қоратогдан ўрганмоқ керак.

Қудуқ

Боғимизнинг ўртасида қудуқ бўларди,
Яқинига бормас эдик кўркув, ҳадикдан.
Она, ёнинг жазирама қунида, муздай
Айрон олиб берардингиз ўша қудуқдан.

Бобом сари чопар эдик, айронни ичиб,
Чулдур-чулдур тилимизда турфа саволлар.
Айрон қайдан пайдо бўлар бизнинг қудуқда?
Хайратимиз оширарди шубҳа, гумонлар...

Бобом бошлар эди эски ривоятини:
“Бу мўъжиза аломати, ризқу рўз деган,
Қадимда бир подшоҳ бўлган, унинг даврида
Арик тўла сув ўрнида сут оққан экан”.

Ишонардик бобом айтган ривоятга биз
Ва бу ҳақда ўзгаларга тўлиб сўйлардик.
Чиндан бизнинг боғимизнинг қок ўртасида,
Айрон тўла қудуғимиз бор деб ўйлардик.

Англамабмиз, болалиқнинг кўзига бари
Эртакдаги мўъжизадаи туюлганини.
Кейин билдик, суви муздай ўша қудуққа
Айрон тўла кўза ташлаб кўйилганини.

Менга энди кечмиш чиндан мўъжиза, она,
Хар қиррасин титқилагим, очгим келяпти.
Болалиқнинг шу онига қайтиб бир бора
Шу қудуқдан муздай айрон ичгим келяпти...

Туроб НИЁЗ

ҚУЁШ ЁНОНИНДА
ПОРЛАСАМ ДЕЙДИ

Муаллими

Игна билан қудуқ қазгандай,
Чўл бағрида яратгандай боғ,
Тиг билан тошга хат ёзгандай,
Тупроқ билан кўтаргандай тоғ,
Заҳмат чекар хар соат, хар кун,
Толиқишни, миннатни билмас.
У яшайди келажак учун,
Иродаси пўлат, буқилмас...

Ўз чилласи

Шаббодда зор бўлар одам,
Авж саратон – чилла пайтлари.
Суқунатга чўккандай олам,
Қилт этмайди дарахт барглари.

Бир ҳовуч чўғ ютган мисоли,
Ичинг куяр – олганда нафас.
Ўт ёнидан ўтган мисоли,
Тер қуйилар юзингдан шаррос.

Эсиб қолар шу пайт шаббодда,
Бир ажойиб ҳузур туяркан,
Кўксинг тўлар муздек ҳавога,
Пилёлага кўк чой қуяркан...

Қанот

Қуш ерда зерикса, осмонга учар,
Самода толиқса, кўнгай заминга...
Қанотсиз инсоннинг холи не кечар?
Бу савол жавобсиз қадим-қадимдан.

Тўғри, учокларда учиб ҳам мумкин,
Мумкин кемаларда, уммонда сузмок.
Барибир оғирдир одамзод учун,
Қанотли бўлмоқдан умидни узмок.

Сабаб

Булбулнинг тили бор – сайрайди тинмай,
Дардини туну кун этади ошкор.
Гулнинг забони йўқ – турар индамай,
Ҳеч кимса билмайди – қандай дарди бор?

Балки бу ҳолатда бордир бир ҳикмат:
Агарда гулда ҳам битсайди забон,
Булбул муҳаббатини этганида рад,
Булбул сайрамоқдан тўхтарди шу он.



Муаллими

Чин устоздир, шоғирдини азиз деб билса,
Аямасдан берса билим – борларини.
Чин шоғирдир, устозини рози қилса,
Елга совурмаса қилган қорларини.

Само шундай кенглик, сиғмас ҳаёлга,
Жавобга сиғмайди, сиғмас саволга.
Фақат хайратдамиз, фақат қойилмиз,
Ҳаттоки етсак ҳам бир кун камолга.

Турди Фароғий бу – авлиё одам,
Ўзбеки бирликка қорлаган мудом.
Унинг орзулари бутун ушалди,
Бизга ҳавас билан бокмоқда олам.

Юлдузлар бўйинингга мунчоқ бўлсам дер,
Ярим ой кўйинингга бир бор тўлсам дер.
Қуёш ёноғинда порласам дейди,
Атиргул бўйинингга қониб, тўйсам дер.

Шўх шомол сочинини тинмай ўйнайди,
Ёнингдан бир зум ҳам жилмай ўйнайди.
Менинг юрагимда кўзгалди рашк,
Чеккан азобимни билмай ўйнайди.

Юздаги ҳолинига арзимас дунё,
Лабдаги болинига арзимас дунё.
Соқин ҳаёлиниги бузгим келмади,
Чунки ҳаёлинига арзимас дунё.

Жўра ФОЗИЛ



Эски маҳит ёшини яшаб, ошини ошаган чо-
дек шалвираб қолган бўлса-да, жуда маҳабатли,
улғувор, у ер-берида нил бўёқлари сақланиб
қолган гўмбазлари сирли кўриларди. Маҳит-
дан ҳам кўпни кўрган улкан тоғлар сарховузга
тангадек офтоб туширмас, авжи ёз чилласида,
кўёшнинг олов нафаси атрофни жазганак қил-
ганда ҳам бу ер жуда салқин бўлиб, сувга эгил-
ган новдалар шабадада енгил чайқалиб, танга
хузур бахш этарди.

Девор-дармиён кўшни бўлган Камол билан
Сабо кишлоқнинг барча болалари сингари эрта
бахордан кеч кузгача шу ерда ўйнаб юришарди.

Саратоннинг узун кунлари алоқсиздай ту-
юлар, Камол харобадан топиб олган сопол пар-
чаларини териб, уларга соатлаб тикилиб ўти-
рар, Сабо эса латта кўнглига алла айтарди.
Баъзан улар ўйинни йиғиштириб қўйиб, харо-
бада ҳуштак чалаётган шомол товушига қулоқ
солишарди. Улкан гўмбаз остида “тик” этган
хар қандай товуш гўмбурлаб, кўрқинчли акс са-
до берар, болақайлар чўчиб, бир-бирларининг
пинжиги тикилишарди.

Кунларнинг бирида туш пайти сарховузда
улардан бошқа ҳеч ким қолмади.

– Бўлди энди, уйга кетайлик, – деди Камол
“боласи”га алла айтатган Сабога.

Сабо унга ёлворганнамо нигоҳ ташлаб, ил-
тижо қилди:

– Яна бирпас ўтирайлик, болам энди ухла-
ди-ку!..

Камол индамай яна жойига ўтирдию ўзи-
ча қулиб қўйди. “Оббо, ҳаёлараст-ей, болам
эмийш. Латта кўнчроқ-ку! Ахир, жони йўқ-ку!”
Қизалоқ бағридаги қақалоғини яна бироз ал-
лалагач, авайлаб ерга қўйди-да, чуқур тин олди.
– Мана, ухлаб қолди. Энди биз қайтиб кел-
гунча тинчгина ётади.

Сабо боласи уйғониб қолишдан чўчиган-
дай, кўрсаткич бармоғини қимтилан лабига

Назм ва наср бўлими

ҚИЗАЛОҚНИНГ АЛЛАСИ

босганича аста ўрнидан турди. У ҳамон хавотир
тўла кўзларини кўнглигидан узолмасди.

Камол муштдеккина қизалоқнинг кўнглидан
нималар кечаётганини билмас, Сабонинг қил-
ган иши кулгисини кистарди. Лекин у кулгига
улгурмади...

– Камол... сени яхши кўраман! – бу сўзлар
сочлари чиройли, кўзлари қанчаб турган қиза-
лоқ тилидан беихтиёр учди ва у тиник сувга ти-
килиб қолди. Сўнгра нигоҳини тоғларга қалади.
Қулоқ етмас тоғлар чуқур сукутда, олти яшар
қизча тилидан учган сўз гўё оламни сеҳрлаб
қўйганди.

Ёноқлари қизарган Сабо атрофга ўғринча
назар ташлаб, шивирлади:

– Сен ҳаммадан яхшисан!.. Катта бўлсак,
сенга тегаман!..

Камол анграйиб қолди. Қизалоқнинг кура-
лай кўзида шунчалар маъсум, шунчалар поки-
за нур бор эдики, бола бу ҳуркак нимтабассум
ёқини нималарга қодир эканини билмас, нора-
сида гўдақ тилидан учган илоҳий сўзлар баъзи
инсонларга ҳеч қачон насиб этмаслигини идрок
этолмасди.

Камол ўзига келиб, атрофга қараганда Сабо
қочиб кетган эди. Лекин ўзи ҳовуз бўйидан ке-
толмади.

У яна онасини эслади. Онаси қайқадир ке-
тиб қолган, неча йилдики уни зор-интизор
кутарди. Кўнглида “Зора, шу кун онам қайтиб
келса”, деган умид учқунларан, ҳовуз сатҳида

у энди тоғлар аксини эмас, онаси ва сочлари
кўнглироқ қизалоқни кўрарди.

Онаси ёз тонглирида уни иссиқ қулча, қай-
моқ билан сийлар, “Пахлаваним, ботирим!”
дея юз-кўзларидан ўпарди. Отаси ҳам унга хар
қил ширинликлар олиб келади, лекин бола
тонгда ёпилган нон, қаймоқ таъминини унутол-
майди.

Ниҳоят, ёнинг жазирама кунларидан би-
рида онаси келди. Бола уни қучоқлаб йнглади.
Онаси ҳам кўз ёшини тийёлмади. Кейин у Камол-
нинг кўни-кўнжини совғага тўлдириб ташлади.
Оби-новот, ширин қулчалар, ўйинчоқ тўппон-
ча, қоптоқ...

Онасидан энди иссиқ нон иси эмас, шаҳар-
нинг аллақандай бегона хиди келар, қийимлари
ҳам аввалгиларига ўхшамас, сочи баланд тур-
макланган, туфлиси ялтироқ эди.

Тушга яқин отаси даладан қайтди. Собик
эр-хотин пича суҳбатлашгач, онаси қўлидаги
аллақандай қоғозни силқитиб, нималардир де-

Тарадудга тушиб қолган онаси ўғлига бу-
юрди:

– Кийимингни кийиб ол, ўғлим, кетамиз!

Болақай бир неча дақиқа жим туриб қолди.
У лабларини қаттиқ тишлади. Отаси билан она-
си унга ҳамон сўзсиз тикилиб туришарди. Су-
қунат жуда оғир, фақат нигоҳлар сўзлашарди.
Ниҳоят, отаси тилга кирди.

– Майли, ўғлим, борақол, соғ-са-
ломат бўлсанг, бас, – деди у.

Онаси собик эрига миннатдор ни-
гоҳ ташлаб, шундай деди:
– Мана, дадажонинг рухсат бердилар,
бўлақол, кетдик!

Камол отасининг қорайиб кетган юзига қа-
рашга зўрға ботинди.

У рози-ризалик берган бўлса-да, кўзлариди
“Мени ташлаб кетма, ўғлим!” деган илтижо би-
линиб турарди.

ди, маънос тортиб, кўз ёш
тўқди. Камол узук-юлуқ
гаплардан англадики,
онаси уни шаҳарга олиб
кетиб учун тортишяпти.

Боланинг кўнгли ал-
ланечук бўлиб кетди. У
онасини хар қанча ях-
ши кўрмасин, кишлоқ-
дан кетмайди... Шаҳарда
жўшқин ариқлар, кўм-
қўқ тоғлар соя ташлаган
салқин сарховулар йўқ.
Тўғри, шаҳарда музқай-
моқ, лимонад, турли га-
ройиб томошалар бор-
дир, лекин Сабо у ёкка
бормайди-ку!

Отаси қутилмаганда бўшашиб, қарахт бў-
либ қолди.

– Майли, олиб кетавер!.. Фақат ўзи нимани
хохлайди... – отасининг кўзида нимадир йилти-
раб, овози титраб кетди. – Қонун талаб қилса,
қўлимдан нима ҳам келарди...

Онасига жон киргандай бўлди, ўғлини
бағрига босиб, юз-кўзидан ўлди.

– Мен билан кетасан-а, ўғлим? Шундайми?!

– онасининг овозида ишонч ҳам, ишонсизлик
ҳам бор, аммо кўзлариди акс этган хавотир бола
аклини шоширарди.

Уларни жимгина кузатаётган отаси кўзлари-
ни яширишга ҳаракат қиларди.

Бу дақиқалар бола учун ҳаёт-мамонт дегани
эди. Ҳозир танлаш ҳуқуқи унга мажбуран инъ-
ом этилган, ё отасини, ёки онасини дейиши ке-
рак. Бола кимни танласа-да, барибир ютқазди,
ё онаси, ё отасидан жудо бўлади. Шу кўйи, икки
дунёда ҳам кетик кўнгли тўлмайди.

– Мен... Ҳеч қайсига кетмайман! Менсиз Са-
бо ким билан ўйнайди?! – боланинг сўзлари ёз
осмониди момақалдиқдек гўмбурлади.

Яна орага юракни зузучи жимлик чўқди...
Сўнг онаси йнглай-йнглай йўлга чиқди. Камол
билан Сабо уни бекатгача кузатиб, уйга қайти-
шар экан, қизалоқ кўзлари ёниб, шундай деди:

– Мени ёлғиз ташлаб кетмаганинг учун раҳ-
мат, Камолжон! Бу яхшилигини ўлғунимча
унутмайман! Кетиб қолсанг, нима қилардим?..

Камол қизалоқнинг мавжлашиб турган кура-
лай кўзларига узок тикилиб қолди. У Сабонинг
кўзлариди ёнинг тубсиз осмонини кўрар, ўзи
билмаган, идрок этолмаган ширин бир туйғу
боланинг вужудини ларзага соларди.

Яна бирга қолганидан қувонган
болалар қишлоқ кўчасидан қочиб ке-
тишди. Улар ўзларининг бу бахтли
дамлари бир умр давом этади, деб ўй-
лардилар. Лекин...

... Кеч қузнинг ёмғир шивирлаган оқшомида
Сабо негадир тош йўлга чиққан экан, уни кат-
та тезликда келатган мотоцикл уриб кетибди...
Ота-онаси дод-фарёд кўтариб, уни касалхонага
олиб кетишди.

Эртасига Камол акасининг велосипедига
мингашиб, дўстини кўргани борди. Бола акаси
билан қўл ушлашиб, жимжит хонага кўрка-писа
қадам қўйди. Қадам қўйдию юз-кўзлари оппоқ
дока билан тангит ташлаган Сабонини кўриб,
акасининг бармоқларини қаттиқ қисди, тиши-
ни-тишига қўйди, лекин барибир чидаёлмай,
йиғлаб юборди. Унга қўшилиб, Сабонинг онаси
ҳам юм-юм йиғлади.

Бир маҳал Сабо кўзларини очди, дўстини
кўриб, зўр-базўр жилмайди.

– Камол... Сенмисан?.. Келдингми?

Камол кўз ёшларини яширишга ҳаракат қи-
либ, ҳовлиқиб бош силқиди.

– Ҳа, ҳа, мен келдим! Ўзинг яхши бўлиб
қолдингми?..

– Энди яхшиман... Агар қутсанг, эртага хо-
вуз бўйига бораман...

Камол гаширишга оғиз жуфтлаган эди, акаси
чеҳраси тунд оқ халатли аёлга ишора қилиб, ни-
мадир деди ва улар хонани тарк этишди.

Эртасига Сабо ҳовуз бўйига келмади.

Ҳовузнинг тиник сатҳи изгиринда тўлқин-
лашиб турар, бор-будидан мосову тоғлар ночор
мунгайган, новдалар акси сув юзида илондай
қимирларди. Камол кўз изгиринига қарамай хо-
вуз бўйида қоронғу тушгунча тентираб юрди.

Сабо касалхонадан қайтмади... Орадан йил-
лар ўтиб, ҳовуз кўмилиб, эски тоғлар кесилиб
кетди, маҳит харобасидан ҳам асар қолмади.

Лекин барибир Камол кишин-ёзини саҳарлаб
ўша ерга боради, тонгги сабалар алласига қу-
лоқ тутиб, Сабо кўнглироқни бағрига босиб ай-
тган аллани кўмсайди, болалиқдаги дўстининг
овозини эшитгандай бўлади...

У ўша сочлари кўнглироқ қизалоқни бир умр
излади. Аммо Сабонинг тийрак нигоҳидагига
ўхшаш меҳр-муҳаббат ёлқинини кўриш унга
қайта насиб этмади...

ХУВ ТОҒЛАР ОРТИДА БОРДИР БИР ДИЁР...

Гўзал Фаргона водийсининг жанубида, гирд айланган тоғлар орасида ажиб бир маскан бор, уни Сўх дейишади, атрофи тоғлар билан ўралган кўм-кўк водийча. Унинг қок ўртасидан баҳайбат Сўх дарёси оқиб ўтади. Сўхнинг тарихи узок даврларга бориб тақалади. Айтишларича, бу ерда қазилма ишлари пайтида топилган темир тумор инсониятнинг илк — бронза даврида ясалган экан. Сўх дарёсининг қирғоқларидаги тоғлар тошига чизилган ибтидоий суратлар ҳам жуда қадимдан, тоғлар орасидаги Селенгур горидан топилган одам устухони эса бу ерда 1,5 миллион йил илгари ҳам одамлар яшаганидан дарак беради. Хуллас, бу маскан жуда қадимий эканлигига шак-шубҳа йўқ.

Сўх тумани Равондан ташқари яна ўнга яқин катта-кичик қишлоқлардан ташқил топган, улар — Сариканда, Хушёр, Тул, Ленбир ва бошқалар. Аҳолиси деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик билан шуғулланади, кўп жойларига картошка экилади, дарё бўйида эса машхур девзира гуручи олинадиган шולי экилади. Аҳолиси меҳнатқаш, ҳаракатчан, бу ерда уйлар баланд қилиб, чиройли қурилади. Мустақиллик даврида Сўх яшагандан ҳам яшнаб кетганлигини бу ерда келган меҳмон бир зумдаёқ англаб олади.

Хув жануб томонда бордир бир диёр,
Теграсин ўрамини тоғлар пуриқор,
Дарёси хув наста шарқираб оқар,
Боғлари анвойи мевага тўлик,
Сўхдир, бу — Сўх...

БОБОМАНСУРНИНГ БОҒИ

Мен Сўхнинг Равон қишлоғида яшовчи Бобомансур Мирзаев билан кўп йиллар давомида ота-боладек мулоқотда бўлиб келганман. Бу котмадан келган, зуваласи пишиқ инсон урушдан ногирон бўлиб қайтганига қарамай дарё бўйидаги тошлок ерни очиб, у ерда боғ барпо этган эди. Бу ерда олмаю нок, шафтоли, ўрик — меванинг ҳамма туридан бор. Боғ ўртасидаги шарқираб оқиб турган ариқ устига қурилган шинамгина шийпондан меҳмон аримасди. Бобомансур ака оламдан ўтган бўлса ҳам унинг боғи ҳамон яшнаб турибди, фарзандлари, ҳамқишлоқлар, меҳмонлар бу боғнинг меваларидан баҳраманд бўлишарди.

Қадрдоним Бобомансур бобонинг ўғли Ҳабибжон Мирзаев бутун уйини йўл қуришдек савобли ва масъулиятли ишга бағишлаган. У, мана, қирқ йилдан ортиқроқ вақт мобайнида туман йўл қурилиши идорасига раҳбарлик қилиб келади. Ҳабибжон бошчилигида қурилган йўлларнинг ҳад-ҳисобини олиш қийин, Риштон йўлидаги доводдан тортиб бугеги Қирғизистон билан чегарадош Чашмагача, уёғи эса Сарикандаю Хушёргача бориб боғланади. Тоғли жойларда йўл қуришнинг

ўзи бўладими — қанчадан-қанча тоғу тошларини суриш, сойлар устига кўприклар солиш... Бунинг устига тоғдан келиб турадиган сел ёмғирларига тайёр туриш, дарҳол йўлларни тузатиш керак бўлади. Шу боисдан Ҳабибжон ва унинг касбдошлари доимо ҳозир нозирдирлар. Давлатимиз Ҳабибжон Мирзаевнинг катта хизматларини эътиборга олиб, уни “Дўстлик” ордени билан тақдирлаган.

БОБУР ХУШЁРДА

Сўхнинг тепасида Ҳисор тоғлари бағрида Хушёр деган қишлоқ бор, жуда сўлим, ундан нари эса баланд тоғлар. Хушёр ҳам Сўхнинг бошқа қишлоқлари сингари қадимий. Шунга айтиш керакки, бу маскан Заҳриддин Мухаммад Бобурга ҳам қўналга, бир муддат маскан бўлган, у Самарқанддан чекинишда шу қишлоқдан ўзи, онла аъзолари, қолган аскарлари учун бошпана топган ва бир йилча бу ерда яшаб, куч тўп-

СЎХ САҲОЛАРИ



лаб Ҳисор тоғларини ошиб Афғонистонга йўл олган. Бу ҳақда у “Бобурнома”да: “Шайбонийхон Тошкан ва Шохрухияни олгон маҳалда ушбу Сўх била Хушёр қўҳлояларига келиб, бир йилга ёвуқ танқислик билла ўтқариб, Қобул азимати қилдим”, деб ёзган. Буюк шох ва шоир бу қишлоқда нимага қилиб қолган экан... Мен “Хушёрдаги хушёр” номли шеърини драматда бу мавзунини очиб бераётган эканман. Мана ундан бир парча: “Фаргона водийсининг жанубидаги тоғли қишлоқ манзараси. Орқада улкан тоғлар, сеп пастроқда пастқам деворли уйлар. Мўъжасизгина майдонча, бир четда ўсган қайраоч дарахти остида каттагина харсанг тош. Бобур шу тошга бир қўли билан суяниб турибди.

ЎЗУВЧИ ЁН ДАФТАРИДАН

— Неча кундир тоғлар аро ушбу қишлоқда, Қўним топдик, бошимизга бўлди бошпана. Яшар экан навқаримнинг хешлари бунда, Минг раҳматки, очик 1528-ла қутиб олиши Ва беришди бизлар учун тураржой, емиш. Самарқанддай олиқ мақом шаҳардан кейин Кесак уйлар бизлар учун қалъадан аёло...”.

Маълум бўлишича, Бобур ўзига оғир кунда ёрдамни аямган сўхлик ва хушёрликларини эсдан чиқармаган, яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтарган. “Аграда шанба куни ойнинг олгисида (хижрий — 935, мелодий — 1528 йил) тўй бўлди. Улуғ ош тортилгондин сўнг қўб меҳмонлар қаторида бевилоят ва беватан юрган ерларимиз Ва Сўх ва Хушёрдин келганларга ҳам чакмонлар ва кумош хилъатлар ва олгундин ва кумушдин инъомлар бўлди”, деб ёзди у “Бобурнома”да. Мен Сўхда бўлганимда Хушёрга бориб Бобур Мирзо бўлган жойларни зиёрат қилдим ва қишлоқ аҳлига асаримдан парчалар ўқиб бердим, уларга бахту омадлар тиладим.

Сўх Фаргона водийсининг энг чеккасида, узокда бўлгани учун унга бора-боргунча йўл Қирғизистон худудидан ўтади. Ўзбекистонга энг яқин йўл Риштон туманидан тахминан эллик-олтмиш километр бўлса, Фарғонадан эса анча узок — Водил ва Қадамжой орқали юз километрдан ошдиқроқдир. Аммо сўхликлар хар иккала йўлдан юриб, ўз турмушлари учун зарур нарсалар олиб келишади, бозор-ўчар қилишади, меҳмондорчиликка боришади. Ахир, чеккингга тушса чеккайи деганларидек, ошйеининг шунақа узокда бўлса-да, йўл босасан, ҳаракат қиласан-да, одам. Афсуски, бу йўллардаги чегара постлари, божхоналар ҳар ўтишда уларни текширади, юкларини қарайди, вақтини олади, асабларига тегади. Мен ҳам Сўхга бориш ва келишда ана шундай қўпол муносабатларнинг гувоҳи бўлдим... Қуни кеча матбуотда Фарғона ва Қирғизистоннинг Боткен вилоятлари ҳокимлари учрашиб, Риштон йўлининг ҳам очилганини тантанали эълон қилишди, ишқилиб, очилгани рост бўлсин. Йўлди беркитиб қўйиш азалдан катта гуноҳ ҳисобланади. Неча-неча йиллар, тарихлар давомида ўзбек, тожик ва қирғиз халқлари хар доим бир-бирларига нисбатан ўзаро ҳурмат, иноқлик кўрсатиб, яқин қўшничилик қилиб келадилар. Бу улуг қадриятларни асраб-авайлаш керак. Қадимги Сўх йўллари ҳам кенг очилиб, равон бўлиб кетишига шак-шубҳа йўқ.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

ҲАРБИЙЛАР ДАВРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Қурулти Кучлари Академиясида “Қитобхонлик кун” доирасида маърифий тадбирлар мунтазам йўлга қўйилган. Қуни кеча академиянинг Умумқўшун факультетида ёзувчи Нуриддин Исмоилов билан адабий учрашув бўлиб ўтди.


— Мазмуни савол берган курсантларга ҳам “аёло” баҳо қўйиш мумкин, — дейди адиб. — Чунки бундай саволда мулоҳаза, билим, тахлили тафаккур акс этади. Курсантларнинг, айниқса, тарихий фильмлар ишлаш, “Темур тузуклари”, улуг аждодлар меросини ўрганиш бораидаги фикр-мулоҳазалари эътиборга лойиқ.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қурулти Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус доирасида ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида қитобхонлигини кенг тарғиб этиш мавзусидаги музоҳаба, айниқса, қизгин кечди. Адиб Нуриддин Исмоилов асарлари ва бутунги кун, инсон олдидagi вазифа, мақсад ва моҳият, адабий қаҳрамон ва ҳаётини идеал мавзуларда курсантларнинг мулоҳазалари тингланди.

Адабий учрашув шахсий таркибда катта таассурот қолдирди.



Журналнинг июнь ойи сони озарбайжон адабиётига бағишланган. Озарбайжон замонавий шеърятдан сараланган туркумлар орасида Расул Ризо, Наби Ҳазрий, Фикрат Содик, Юсуф Ҳасанбек сингари атоқли шоирлар қатори қардош халқнинг бугунги шеърятини вақиллари ижодидан ҳам намуналар берилган. Шеърларни Усмон Қўчқор ва Ўктамоёв таржима қилган. Машхур адиб Анорнинг “Албатта учрашамиз” номли хикоясини Маматқул Ҳазратқулов таржимасида ўқийсиз.



Бу йил таваллудининг 220 йиллиги кенг нишонланаётган улуг рус шоири А.С.Пушкин ижоди Ўзбек китобхонига яқин таниш. Атоқли адиб ва шоирларимиз унинг қўллаб асарларини таржима қилишган. Ушбу сонда Минхожиддин Мирзанинг Пушкин ижодидан амалга оширган янги таржималари босилган.

Австриялик адиб Стефан Цвейг ижоди “Қуйган кўнгил армони”, “Нотаниш аёл мактуби”, “Бир хоним ҳаётидан йигирма тўрт соат” сингари асарлари таржимаси орқали китобхонларимизга маълуми машхур. Журналнинг ушбу сонидан бошлаб

“ЖАҲОН АДАБИЁТИ” 2019 йил июнь, июль сонлари

С.Цвейгнинг “Кристина” романини (таржимон Абдуҳамид Пардаев) ўқий бошлайсиз. Асар инсоният бошига беҳисоб кулфатлар ёғдирадиган хар қандай урушга қарши ёзилган.


Адабиётшунослар Д.Қуруновнинг “Бир ижодий баҳс ҳуусида”, М.Маҳмудовнинг “Қўллоннинг шоғирди” (Мирзакалон Исмоилийи эслаб), “Муҳаррир минбари” руқнида берилган “Дадангмасман, Неъмат

АДАБИЙ-БАДИЙ НАШРЛАР

акангман...” мақолаларида адабий жараён билан бир қаторда она тилимиз билан боғлиқ долзарб муаммолар бораида баҳс юритилади.

Журналнинг июль ойи сонидан янги таржима қилинган бир неча насрий асарлар бошланган. Атоқли рус адиби Лев Толстойнинг “Иблис” номли қиссасида “...муаллифнинг диний-ахлоқий қарашларида муҳим ўрин тутувчи масала — зино ва унинг инсон тақдирига ҳалокатли таъсири бадий тадқиқ этилади”. Асар таржимони Муҳиддин Раҳим мухтасар сўзбошида қиссага доир баъзи ҳусусиятларга изоҳ бериб ўтган. Таниқли қорақал-

пок ёзувчиси Кенгесбой Қаримовнинг тарихий мавзудаги “Зардуш” романини аслиятдан Фотиима Абдурамова ўзбекчалаштирган. Рус тилида ижод қиладиган таниқли адиб Темур Пўлатовнинг “Ўлимни қолдир доғда” номли қиссасида жафокан қрим-татар халқи ҳаёти ҳақида хикоя қилинади. Ушбу қисса ёзувчининг мазкур мавзуда яратган туркум асарларидан биттаси. Қиссани рус тилидан Шарифжон Аҳмад ўғирган.



Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Иброҳим Юсупов ижодий меросидан танланган бир туркум шеърлар Очил Тоҳир таржимасида тақдим этилган. Ояр Ваҳитишининг “Эйнштейннома” достони (Ш.Қўшназаров таржимаси) ҳам ушбу сонда босилган.

“Муҳаррир минбари” руқнида берилган “Сирли келишув бўлганми?” мақоласида муаллиф А.Мелибоев АҚШнинг энг янги тарихига мурожаат этиб, ҳусусан, машхур бизнесмен, филантроп ва сиёсатчи Росс Перонинг сирли ҳаёти ва сиёсий фаолияти ҳақида хикоя қилади.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ТАЖРИБАЛАРИ

Замонавий япон адабиётининг йирик намоёндаларидан бири Харуки Муракамнинг асарлари дунё халқларининг элликдан зиёд тилига таржима қилинган. Ўнга яқин миллий ва халқаро адабий мукофотга сазовор бўлган ёзувчи жаҳон адабиёти ривожига таъсир кўрсатган сўз санъаткорлари қаторида ўз ўрнига эга.

“Янги аср авлоди” наърийида чоп этилган “Шамол қўшиғини тингла” номли китобда Х. Мураками ижодининг илк намуналари — “Шамол қўшиғини тингла” ва “Пинбол-1973” романлари илк бора она тилимизда ўқувчилар эътиборига ҳавола этилмоқда. Романларни рус тилидан Алишер Отабоев таржима қилган. Сўзбоши муаллифи Маҳмуд Саъдий.

Шунингдек, китобдан ҳар икки романга ёзилган сўзбошилар, япон адабиётининг суҳбати ва таржимоннинг Х. Муракамнинг ижодий услубига доир мақоласи билан ҳам танишасиз.

Қўшида китобдаги биринчи романига сўзбоши ўрнида ёзилган устоз мунаққид М. Саъдийнинг мақоласида постмодерн адабиёти ва Х. Мураками ижодий услуби ҳақида сўз юритилади.



ЁШ ТАРЖИМОННИНГ ЖУРЪАТИ

Жаҳон адабиёти майдони ҳеч бир замонда бўш қолмаган. Бизнинг замонамизда ҳам. Бразилиялик Пауло Коэлло, туркиялик Ўрхон Помук, италиялик Умберто Эко, япониялик Харуки Мураками, сербиялик Мило-рад Павич, швейцариялик Патрик Зюскинд...

Ўзбек китобхонига бу номлар ҳали учма таниш эмас. Айримлари билан энди танишаётир бизнинг ўқувчиларимиз. Уларнинг китоблари чиқа бошлаганига эса ярим асрдан ошди. Асарлари ҳозиргача юздан ортиқ тилларга таржима қилиниб, миллионлаб китобхонлар эътиборини қозонган бу доврғли ёзувчилар орасида Харуки Муракамнинг алоҳида ўрни бор.

1949 йили туғилган Харуки Мураками Иккинчи жаҳон урушидан кейин таваллуд топган авлодга мансуб. Услубининг равонлиги, тасвирда аниқлик ва қисқаликка интилиши, “кам гапириб, кўп фикр айта олиш” маҳорати уни машхур қилган жиҳатлардан. Ҳозирги замон постмодерн адабиётига ҳос ҳусусиятлар Мураками романларида бўртиб қўзга ташланади.

“Мукамал мати деганлари, аслида, йўқ нарсас. Худди буткул умидсизлик бўлмаганидек”, Буни менга талабаларимиз тасодифан танишиб қолган бир ёзувчи айтганди. Гапнинг маъноси аслида нимани англатишини мен анча кейин тушунидим — ўша кезде эса, бу, ҳарқалай, бир тасалли эди. Мукамал мати йўқ нарсас, дердим ўзимга ўзим”.

Харуки Мураками “Шамол қўшиғини тингла” романининг бошидаёқ матнга бежиз ургу бермаган. Матн постмодерн адабиётда бош унсур: асарнинг сюжети ҳам, фабуласи ҳам, услуби, қурилиши ҳам — ҳаммаси матнга синдирилган, бошқача айтганда, матнга “едирилган” бўлади. Матн сюжетининг, композициянинг объектга айланади.

Жаҳон адабиётининг бу янгилигини, ўзгаришларнинг келиб чиқишига омил бўлган сабаблар, улардаги фалсафа, бадийат масалалари ҳақида қўп гапириш мумкин... Ўқувчи тақдим этилаётган “Шамол қўшиғини тингла” романи ва унда акс этган япон адабиётининг ёш техникаси, дейлик, тафсилотлардан, муаллифнинг шарҳу изоҳларидан холи, айрим грамматик қондаларга зид матнлар (масалан, таъбиқчи — абстрактлар рия эътислик), баъзи бир ибораларнинг катта ҳарфларда ёки тўқ рангда ёзилиши, воқеаларнинг изчиллиги ўрнига, аксинча, узук-юлук келиши сингари техник “нуксон”лар замиридаги маъно-мазмунни илгаб олиш замонавий насрга қизиққан ўқувчи қийин бўлмайди. Зеро, постмодерн адабиётга мансуб асарнинг моҳияти унинг матнида, услубида, муаллиф матнга қандай тартиб берганида, тилини қай даражада “ўйнатганида”, дунёни қандай қилиб тасвирлаганида-ки, бундай асардан олинадиган завқ-шавқ ҳам шуларга боғлиқ.

Харуки Мураками асарларида, ҳусусан, “Шамол қўшиғини тингла” романида “метрополия руҳи” бўртиб қўрнанади. Дарвоқе, жуда кўп аҳолининг шаҳарлашиши ўтган асрдаёқ улкан муаммоларни юзага чиқарди. Урбанизация фақат ижтимоий-иқтисодий эмас, балки маданий, маънавий муаммо экани бугунги кунга келиб янада аниқ-равшан қўринди. Масалан, мураккаб томони шундаки, урбанизация жараёнидан, каттама-кичими, бирор-бир мамлакат четда қолаётгани йўқ... Харуки Мураками қаҳрамонлари айна ўша — улкан “бетон жунгли”ларда ўсиб-улғаяётган болалар... Уларнинг қизиқишлари, интилишлари, ўй-хаёллари, ҳаётдан умидлари, кундалик машғулоти — бари-бариси шаҳарлашиш оқибатида юзага келадиган айрим нохуш ҳолатларнинг асоратидан белги бериб туради, ўқувчини маънавий бўшлиқ, маданий “вазисизлик” ҳолатига тушиб қолиш эҳтимолидан огоҳлантиради. Унинг асарларини ўқиган ўзбек китобхонига ўз миллий қадриятларимиз, миллий турмуш тарзимиз, анъана ва урф-одатларимиз гавҳардек бўлиб қўринса, ажаб эмас.

Энди икки оғиз асар таржимони ҳақида. Алишер Отабоев бир неча йилдан бери бадий таржима билан шуғулланиб келади. Алишернинг илк изланиши — дебюти муваффақиятли чиқди. Машхур адиб Сомерсет Моэм ижодидан ўнгача хикояни инглиз тилидан ўзбекчалаштирди ва бу хикоялар “Янги аср авлоди” наърийида “Чандики киши” номи билан алоҳида тўплам ҳолида чоп этилди. Шунингдек, “Академнаш” наърийида С.Моэмнинг ўндан зиёд хикояси “Ёмғир” номида Алишернинг таржимасида босилиб чиқди. Харуки Муракамнинг романини эса рус тилидан таржима қилган.

Ёш таржимонга омад тилаб, мазкур ижодий ишига баҳо беришни китобхонларга ҳавола этамиз.

Маҳмуд САЪДИЙ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, моҳир созанда ва хонанда

Ориф АТОЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинларига чуқур таъзия билдиради.

“Тулистон” журнали жамоаси тахририят ходими Нигина Исмоиловага онаси

Муассар КОДИРОВанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



O'ZBEKISTON
ADABIYOTI VA SAN'ATI

Манзилмиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассис:
ЎЗБЕКISTON
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Хамқорларимиз:



Бош муҳаррир
ўринбосари

Бахтиёр
ҲАЙДАРОВ

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42

Тахририятга келган қўлхатлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назардан фарқлангани мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Хумоюн АҚБАРОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
26.11.2014 йил 0283-рақами билан рўйхатга олинган.
Адади - 5690. Буюртма Г - 955.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 5 6

Санъат бўлими: 233-56-40

Назм ва наср бўлими: 233-58-60

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИКАДИ

Сотувда нарх эркин.

